

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТОИРОВ МУРТОЗА ШАВКИДИНОВИЧ

**ИНЕРТ МАТЕРИАЛЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШДА РЕСУРСТЕЖАМКОР
ТЕБРАНУВЧИ ЭЛАК КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ
ЭТИШ**

05.02.02–Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари.

05.09.02–Асослар, пойдевор ва ер ости иншоотлари. Кўприк ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тоиров Муртоза Шавкидинович

Инерт материалларни саралаб олишда ресурстежамкор тебранувчи элак
конструкциясини яратиш ва татбиқ этиш.....3

Тоиров Муртоза Шавкидинович

Разработка и внедрение ресурсосберегающей конструкции вибрационного
сито для отбора инертных материалов.....23

Toirov Murtoza Shavkidinovich

Creation and implementation of a resorce-saving design of an oscillating sieve for the
selection of inert materials.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТОИРОВ МУРТОЗА ШАВКИДИНОВИЧ

**ИНЕРТ МАТЕРИАЛЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШДА РЕСУРСТЕЖАМКОР
ТЕБРАНУВЧИ ЭЛАК КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ**

05.02.02–Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари.

05.09.02–Асослар, пойдевор ва ер ости иншоотлари. Кўприк ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т1867 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мардонов Бахтиёр Тешаевич
техника фанлари доктори.

Аскарходжаев Тулкун Ишанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иргашев Амиркул Иргашевич
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедов Азамат Хаитович
техника фанлари фалсафа доктори, (PhD)

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/ 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№223 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00.)

Диссертация автореферати 2021 йил «19» октябр куни тарқатилди.

(2021 йил «19» октябр даги №129 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Н.Д. Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор

А.А. Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда йўл қурилиши соҳасида кенг қўлланиладиган инерт материалларни саралашда самарадорликни ошириш технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида вертикал тебранувчи элаклар конструкциясини горизонтал тебранувчи элаклар конструкциясига ўтказиш, маъданларни саралашда сиқилган ҳаво билан тебранувчи элакларнинг конструкциясини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан асфалт ва бетонларда қўлланиладиган инерт материалларни саралашда сиқилган ҳаво билан ишлайдиган, ҳамда конструкция қисмларининг ейилишбардошлилигини ва хизмат муддатини таъминлайдиган тебранувчи элак конструкциясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда электроэнергиясиз инерт материалларни саралаб олувчи тебранувчи элак конструкциясини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада инерт маҳсулотларни саралаб ишлаб чиқарувчи тебранувчи элакнинг самарадор конструкцияларини яратиш, тебранувчи элакнинг устуворлигини ошириш, машина ва механизмларнинг функционал вазифаларини бажариш аниқлигини ошириш ва саралаб олинаётган инерт маҳсулотларнинг сифатини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда инерт маҳсулотлар учун тебранувчи элакларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, жумладан, уларни термик ишлов бериш ёрдамида ейилишга бардошлилигини ва хизмат муддатини ошириш, элакларга термик ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда материал сарфини камайтириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сиқилган ҳаво асосида ишлайдиган горизонтал элакларнинг конструкциясини ишлаб чиқиш, ресурс ва энергия тежайдиган горизонтал элакларга термик ишлов бериш усуллари ва технологияларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги ПҚ –3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 4 январдаги ПҚ–3459-сон «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 10 майдаги ПҚ – 3712-сон «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II-«Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан янги тамойилларга асосланган тебранувчи элақлар конструкцияларининг назарий ва амалий асосларини ҳамда динамик ҳаракатларни ҳисоблашнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш, керакли ҳаракат қонунларини очиш, параметрларини бошқариш, энергия ва ресурстежамкор элақ қурилмаларини яратиш каби долзарб масалаларни ҳал этиш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда.

Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан АҚШ, Германия, Англия, Россия, Австрия тадқиқотчилари R.L. Stewart, Y.C. Bridgwatert, A.B. Zhou, A.B. Огурцов, В.Е. Мизонов, Е.А. Баранцева, томонидан тебранувчи элақлар конструкциясининг самарадорлигини ошириш устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бу тадқиқотлар натижалари асосида, тебраниш частотасининг таъсири, пружинада эркин турган тебранувчи элақни тебрлатувчи механизмлар таъсирида эгилиш узунлиги, математик модели ишлаб чиқилган. Дифференциал тенгламага ишқаланиш ва тебраниш кучи алоҳида ҳад сифатида киритилган, тебраниш частотаси, ўртача қаршилиқ кучи қурилманинг иш унумига таъсири аниқланган.

МДҲ олимларидан, К.И. Сатпаев номидаги Қазоғистон Миллий Уневерситети олимлари А.В. Вавилов, Н.Т. Сурашов Д.Е. Елемес. Шимолий кавказ Давлат Техника Уневерситети олимлари Н.С. Пенкин, В.Г. Копченков, Е.А. Середаларнинг илмий ишларида тебранишлар назарияси ҳамда умумий машинасозлик олдида турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари кенг ёритилган. В.Е. Мизонов, Ю.В. Хохлова, В.А., Галиева, Е.Р. Горохова, А.П. Алешина, Е.Р. Брик, М.А. Гриценколар рационал тебранувчи механизмларнинг конструкцияларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, тебранувчи механизмларнинг структуравий, кинематик ва динамик анализи, синтез қилиш усулларини ишлаб чиқишган.

Ўзбекистонлик олимлардан Х.Х.Усманходжаев, К.А.Каримов, Р.И.Каримов, Ш.П.Алимухамедов, А.Джураев, Х.Туранов, А.Ризаев, А.Х.Умурзаков ва А.Х.Ахмедовлар технологик тебранувчи машиналарда ишлатиладиган параметрлари ўзгарувчан ва бошқариладиган ричагли, планетар, фрикцион тебранувчи механизмларнинг назарий асослари ва конструкцияларини ишлаб чиқишган.

Аммо ушбу тадқиқотларда тебранувчи қурилмалар деталларининг кинематик ҳаракатлар ва боғланишларининг характеристикаларини ўзгартириш

орқали бошқариладиган механизмларни ишлаб чиқиш ва уларнинг рационал конструкцияларини яратиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Шунингдек, бошқариладиган тебранувчи тизимлар тадқиқотлари бўйича жаҳон амалиётида тебранувчи элақларнинг мобиллашган, пневматик ҳаракатли тебранувчи механизмларни рационал конструкциялари ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун барча ҳисоблаш ишларининг назарий асосларини ривожлантириш, параметрларнинг бошқариш усулларини ишлаб чиқиш, саралаш учун янги конструктив ишланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда энергия ва ресурстежамкорликни таъминловчи, сифатли сараланиш технологик жараёнини амалга ошириш имкониятига эга бўлган рационал тебранувчи элақлар тизимининг конструкцияларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарур вазифа бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий тадқиқотлар режасининг № 8/09 - сонли “Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритлари, фаол лойқа микрофлораси ва минерал кислоталар асосида янги турдаги гранулаланган комплекс органоминерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади инерт материалларни, жумладан асфалт учун ишлаб чиқариш шлакларини саралашда ресурстежамкор тебранувчи элақ конструкциясини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

рационал, материал ва ресурстежамкор тебранувчи элақ конструкциясини яратиш;

инерт материалнинг сито устидаги ҳаракати математик моделини ишлаб чиқиш ва аналитик ечимларини аниқлаш;

тебранувчан элақ конструкцияси ишчи органи ситоси ҳаракати математик моделини ишлаб чиқиш ва асослаш;

тажриба маълумотларини математик моделлаштириш асосида инерт материалларни сараланиш самарадорлигини ошириш;

регрессив таҳлил ва кичик квадратлар усули ёрдамида инерт материаллар сараланиш жараёнларини тадқиқ этиш;

тебраниш элагининг тебраниш жараёни технологик параметрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

тебраниш элагининг маҳсулот ишлаб чиқариш вақтидаги энергия сарфини ҳисоблаш;

тақдим этилаётган конструкциянинг материал ва ресурстежамкорлик ишлаб чиқариш самарадорлиги техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида SBN маркали электроэлектроэнергияда ишловчи тебраниш элагининг базаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сараланган инерт материаллар сифатини ГОСТ 8267-93 давлат стандарти талабларига мос келтириш, энергия ва ресурс-

тежамкорликни ошириш ҳамда тебранишлар ва уларнинг характеристикалари, ҳисоблаш схемалари, математик ва динамик моделлари, ҳаракат қонунлари ҳамда параметрларининг тавсия этилган қийматларини ўзгариш характеристикаси ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, машина ва механизмлар назарияси, машина деталлари, прецизион вибромеханика, дифференциал тенгламаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

силлиқ сиртли “Сито” элагининг конструкцияси, инерт маҳсулотларнинг ташқи куч таъсирида емирилиш динамикаси асосида ишлаб чиқилган;

инерт маҳсулотларни саралаш учун, горизонтал тебратаувчи қурилма роторининг конструкцияси ротор ичида ҳосил бўлувчи айланувчи кучларининг характери асосида ишлаб чиқилган;

инерт маҳсулотларни саралаш учун қўлланиладиган тебратаувчи қурилманинг сиқилган ҳаво билан ишлайдиган конструкцияси, ҳосил қилиниши талаб этиладиган босим кўрсаткичларининг қийматлари асосида ишлаб чиқилган;

таъсир этувчи сиқилган ҳаво кучини ҳисоблаш ва тебранишлар частотасини оширишнинг математик ечимини аниқлаш методлари, сиқилган ҳавонинг ҳароратга боғлиқ ҳолдаги хажмий кенгайиш коэффициенти ёрдамида ишлаб чиқилган;

рационал тебранувчан элак конструкцияси ишчи органлари ҳаракатининг математик модели, инерт материалга таъсир атадиган куч катталигининг чегаравий қийматларига боғланган ҳолда ишлаб чиқилган;

инерт материаллар учун қўлланиладиган элакларнинг юза мустаҳкамлигини оширишга мўлжалланган термик ишлов бериш режимлари элак материалининг физик хоссаси асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қўзғалувчан звеноларнинг ҳаракат қонунларини ўрганилиши асосида тебратаувчи механизмларнинг янги авлоди, пневмоконструкцияга асосланган тебратаувчи қурилманинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

лазерли тохогенератор ёрдамида янги авлод пневмоконструкциянинг тебранишлар частотаси аниқланди, бошқариладиган тебраниш кучи, механизмларининг конструктив диаграммалари, айланма марказдан қочма куч таъсирида, горизонтал айланма ва вертикал илгариланма қайтма ҳаракатни ҳосил қилиш учун, тебратаувчи қурилманинг янги турдаги механизмлари ишлаб чиқилган;

инерт материалларни ва турли хил табиий ер усти ва ер ости бойликларни саралаш мақсадида бошқариладиган электроэнергиясиз $1,5\text{ м}^3/\text{мин}$. сиқилган ҳаво ҳажмида ва 0,5 дан 1,0 МПа гача сиқилган ҳаво босимида, горизонтал ва вертикал ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тебранувчи элак конструкцияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг назарий натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги олинган тадқиқот натижалари

билан мутаносиб келиши, уларнинг умумий эътироф этилган илмий ғояларга мослиги, шунингдек элақларга термик ишлов бериш қонуниятларига мувофиқлиги, олинган натижаларнинг математик моделлаштириш асосида синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тебраниш натижасида инерт материалларнинг сифатли фракцияланиш жараёнини амалга ошириш, энергиятежамкор, ресурстежамкор, мобил конструкцияларни яратишнинг илмий жиҳатлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалар электр тоқини олиб бориш қийин бўлган олис чўл, баланд тоғли ва тоғолди ҳудудларида йўл қурилиши ишларини олиб бориш ва шу соҳасини ривожланишига ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқариладиган тебранувчи элақ конструкциясининг назарий асосларини ривожлантириш ва рационал конструкцияларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

тирқиши Ø5; Ø10 ва Ø20 мм диаметрли силлиқ сиртли “Сито” элақларининг конструкцияси “Навоий вилояти автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси” УҚ га инерт материалларни саралаш учун жорий этилган (ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги автомобил йўллари қўмитаси” нинг 31.03.2021 йилдаги №02-1272-сон маълумотномаси). Натижада сараланаётган инерт маҳсулотининг самарадорлиги 8-10% га орттириш имконини берган;

горизонтал тебратувчи қурилма роторининг конструкцияси “Навоий вилояти автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси” УҚ га элақларнинг хизмат муддатини ошириш учун жорий этилган (ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги автомобил йўллари қўмитаси” нинг 31.03.2021 йилдаги №02-1272-сон маълумотномаси). Натижада горизонтал элақларнинг хизмат муддати 10-12% га ошган;

тебратувчи қурилманинг сиқилган ҳаво билан ишлайдиган конструкцияси “Навоий вилояти автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси” УҚ га олинаятган инерт маҳсулотининг таннархини камайтириш учун жорий этилган (ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги автомобил йўллари қўмитаси” нинг 31.03.2021 йилдаги №02-1272-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқарилаятган инерт маҳсулотнинг таннархини 1,4-1,5 мартага камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 6 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган: жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4та Республика, 5 та Хорижий журналларда, хорижий

конференцияларда 2 та ва 1та республика миқёсидаги конференцияларга оид тўпламларда тезислар нашр этилган, 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруриятига асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оптимальная конструкция ламинарных мембран для эластомерных мембран**» деб номланган биринчи бобида мембрануви эластомер мембран бўйича тадқиқотлар таҳлили ва мембрануви механизмлар параметрларини бошқариш усуллари келтирилган.

Мембрануви механизмлар конструкцияларида, мембранишлар ҳосил қилувчи (дебаланс) юк, марказдан қочма куч таъсирида валнинг нотекис ҳаракатига асосланган ва шу билан бир қаторда унинг мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган. Тавсия этилаётган рационал мембрануви эластомер конструкциясининг тавсифи, афзалликлари ва қўлланилиш соҳалари ҳақида сўз юритилган.

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарувчи мембрануви эластомер мембран замонавий такомиллашган рационал бўлиши билан бир қаторда, бир қанча камчиликлардан ҳоли эмаслигини кўриш мумкин. Асосий камчилиги улар ўрнатмалар, турғун кўринишга эга, мавсумий карерларда саралаш ишларини бажаришда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш вақт, зиёти сарф-ҳаражатларни талаб этади.

Горизонтал мембранишлар натижасида сито сиртида инерт маҳсулотлар тенг ёйилиш эҳтимоли мавжудлиги сабабли тажриба ишлари олиб борилди ва бу эҳтимолий назария ўз тасдиғини топди, сито сиртига тушган инерт маҳсулот қатлами сирт бўйича ёйилди, сито тешигидан кичик ўлчамдаги барча донадор инерт маҳсулотлар сараланиб ўтишга улгурди.

«**Инерт материалларни сараловчи мембрануви эластомер ишчи органлари ҳаракатининг математик моделларини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобида, инерт материалларни саралаш учун тавсия этилаётган мембрануви эластомер ҳаракатининг математик моделлари ишлаб чиқилган. Регрессив таҳлил ва кичик квадратлар усули ёрдамида, корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб

чиқариши самарадорлиги тавсия этилаётган тебранувчи элак конструкциясини қўлланилиши ёрдамида баҳоланган.

Тебратаувчи қурилма таъсирида сито тебраниб турганда, сито устидаги инерт материалларнинг эллиптик траектория бўйлаб ҳаракатланишини таъкидлаш мумкин.

Айтайлик, Ox_1y_1 - қўзғалмас координата системаси, Ox - тебранувчи текисликка параллел, Oy эса тебранувчи текисликка перпендикуляр ўқ. Қия текислик ω доиравий частота билан қуйидаги қонунга кўра горизонтал ва вертикал илгариланма-қайтма гармоник тебранма ҳаракат қилсин:

$$x = A_x \sin(\omega t + \varepsilon), \quad y = A_y \sin(\omega t + \alpha), \quad (1)$$

бу ерда A_x и A_y - мос равишда бўйлама ва кўндаланг тебраниш амплитудалари, ε, α - горизонтал ва вертикал йўналишлардаги фазалар фарқи.

Бу ҳолда инерт материалнинг сито устидаги ҳаракат дифференциал тенгламаси қуйидаги кўринишни эгаллайди:

$$\begin{aligned} m\ddot{x} &= mA_x \omega^2 \sin(\omega t + \varepsilon) - mg \sin \alpha + F; \\ m\ddot{y} &= mA_y \omega^2 \sin(\omega t + \alpha) - mg \cos \alpha + N; \end{aligned} \quad (2)$$

Келтирилган (2) тенгламаларнинг аналитик ечимлари ва таҳлили инерт материалларни қаттиқлиги, унинг ўлчами ва зичлигига қараб тебранувчи элак рационал конструкциясини ишлаб чиқишда муҳим амалий характерга эга.

Инерт материалнинг массаси ва унга таъсир этаётган кучларни билган ҳолда тебранувчи элак конструкциясининг оптимал геометрик ва динамик катталикларини танлаш ва самарали ишлаш режимини аниқлаш имконига эга бўламиз.

(2) тенгламалар системасининг аналитик ечимари натижасида инерт материалнинг сито устидаги ҳаракати давомида абсолют тезлигининг ўзгариши $V = \sqrt{\dot{x}^2 + \dot{y}^2}$ ифодадан аниқланади. Тавсия этилаётган тебранувчи элак ишчи органи (сито)нинг ҳаракат дифференциал тенгламасини келтириб чиқарамиз.

m_1 - ишчи орган массаси, c - пружиналарнинг бикрлик коэффициентлари, ω - тебратаувчи қурилма бурчак тезлиги, m_0 - дебаланс массаси, F - эксцентриситет.

Дебаланс айланиши $F_a = m_0 r \omega^2$ марказдан қочма кучни вужудга келтиради, ташкил этувчилари $F_x = F_a \cos \omega t, F_y = F_a \sin \omega t$.

Диссипатив кучлар инобатга олинмаса, элак ишчи органи ситонинг ҳаракат дифференциал тенгламалари қуйидагича бўлади:

$$\left. \begin{aligned} m\ddot{x} + c_x x &= F_a \cos \omega t \\ m\ddot{y} + c_y y &= F_a \sin \omega t \end{aligned} \right\} \cdot \quad (3)$$

(4) нинг умумий ечими куйидаги кўринишда бўлади:

$$\left. \begin{aligned} x(t) &= C_1 \cos \sqrt{\frac{c_x}{m}} t + C_2 \sin \sqrt{\frac{c_x}{m}} t + \frac{m_0 r \omega^2}{m(\omega_x^2 - \omega^2)} \cos \omega t \\ y(t) &= C_3 \cos \sqrt{\frac{c_y}{m}} t + C_4 \sin \sqrt{\frac{c_y}{m}} t + \frac{m_0 r \omega^2}{m(\omega_y^2 - \omega^2)} \sin \omega t \end{aligned} \right\}, \quad (4)$$

бу ерда $\omega_x = \sqrt{\frac{c_x}{m}}$, $\omega_y = \sqrt{\frac{c_y}{m}}$ хусусий тебранишлар частотаси, $m = m_0 + m_1$.

C_1, C_2, C_3 ва C_4 интеграл доимийларни куйидаги бошланғич шартлардан аниқлаймиз:

$$t = 0: x = x_0, \quad y = y_0, \quad \dot{x}_0 = \dot{y}_0 = 0. \quad (5)$$

Демак,

$$\left. \begin{aligned} t = 0: x = x_0 &\Rightarrow C_1 = x_0 - \frac{m_0 r \omega^2}{m(\omega_x^2 - \omega^2)}; \\ t = 0: y = y_0 &\Rightarrow C_3 = y_0; \\ t = 0: \dot{x}(t) = 0 &\Rightarrow C_2 = 0; \\ t = 0: \dot{y}(t) = 0 &\Rightarrow C_4 = -\frac{m_0 r \omega^3}{m \omega_y (\omega_y^2 - \omega^2)}. \end{aligned} \right\} \quad (6)$$

(4) нинг умумий ечими куйидагича бўлади:

$$\left. \begin{aligned} x(t) &= \frac{m_0 r \omega^2}{m(\omega_x^2 - \omega^2)} (\cos \omega t - \cos \omega_x t) + x_0 \cos \omega_x t \\ y(t) &= \frac{m_0 r \omega^2}{m(\omega_y^2 - \omega^2)} \left(\sin \omega t - \frac{\omega}{\omega_y} \sin \omega_y t \right) + y_0 \cos \omega_y t \end{aligned} \right\}. \quad (7)$$

Бунга кўра ишчи органнинг тезлик ва тезланиши ташкил этувчилари куйидаги конунга кўра ўзгаради:

$$\left. \begin{aligned} \dot{x}(t) &= \frac{-m_0 r \omega^2}{m(\omega_x^2 - \omega^2)} (\omega \sin \omega t - \omega_x \sin \omega_x t) - x_0 \omega_x \sin \omega_x t \\ \dot{y}(t) &= \frac{m_0 r \omega^3}{m(\omega_y^2 - \omega^2)} (\cos \omega t - \cos \omega_y t) - y_0 \omega_y \sin \omega_y t \end{aligned} \right\}, \quad (8)$$

$$\left. \begin{aligned} \ddot{x}(t) &= \frac{-m_0 r \omega^2}{m(\omega_x^2 - \omega^2)} (\omega^2 \cos \omega t - \omega_x^2 \cos \omega_x t) - x_0 \omega_x^2 \cos \omega_x t \\ \ddot{y}(t) &= \frac{-m_0 r \omega^3}{m(\omega_y^2 - \omega^2)} (\omega \sin \omega t - \omega_y \sin \omega_y t) - y_0 \omega_y^2 \cos \omega_y t \end{aligned} \right\}. \quad (9)$$


(9) ифодадан абсолют тезлик ва тезланишларни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$V_a = \sqrt{\dot{x}^2(t) + \dot{y}^2(t)}, \quad W_a = \sqrt{\ddot{x}^2(t) + \ddot{y}^2(t)}. \quad (10)$$


(8) ечимдан кўриш мумкинки, ишчи орган гармоник тебранма ҳаракат қилиб, эллиптик траекторияга эга бўлади.

Қайд қилинган аниқ ҳол учун тавсия этилаётган рационал тебранувчан элак конструкциясининг геометрик ва кинематик параметрларини қабул қиламиз. Пружиналарга эквивалент пружинанинг бикрлиги $c_{x0} = c_{y0} = 7,36 \cdot 10^6 \text{ Н/м}$, тебратувчи қурилманинг дебаланс билан биргаликдаги бурчак тезлиги $\omega = 24,9 \text{ рад/с}$, ситонинг тебратувчи қурилма билан биргаликдаги массаси $m = 15 \text{ кг}$, марказдан қочма куч $F_a = 31 \text{ Н}$ бўлсин.

Maple 11 дастурий пакети ёрдамида олинган аналитик ечимлар учун кинематик характеристикаларни кўрсатадиган муҳим графикларни ҳосил қиламиз.



1-расм. Ситонинг x ва y ўқлари бўйича $t \in [0; 0,1\text{с}]$ даги ҳаракат қонуни графиги.



2-расм. Сито ҳаракат траекториясининг $t \in [0; 0,1 c]$ ораликдаги ўзгариши графиги

Олиб борилган назарий, илмий-амалий тадқиқотлар натижасида ясалган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган рационал тебранувчи элак конструкцияси кўп функционалик хусусиятларини ҳам ўзида мужассам этади, хусусан, тоғ-кон саноатида маъданларни тегирмонларгача бўлган саралаш босқичида, тоғ-кон рудаларини флотация машиналаригача донадорлик бўйича саралашда, химия саноатида азотли ва фосфоридли минерал ўғитлар саралашда кенг қўллаш асносида юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

Тебратувчи қурилма (вибраторнинг) қиялик бурчагининг ўзгаришига боғлиқ бўлган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қийматини аниқлаш учун Лагранж интерполяцион кўпҳадини тузиб чиқамиз. Масала алгебраик тенгламалар системасига келтирилиб, номаълум коэффицентларни аниқлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қиймати функциясини аниқлаш лозим бўлади.

Тажриба натижалари маълумотларидан маълум бўладики,

$$\alpha_1 = 0^0, \quad \alpha_2 = 1^0, \quad \alpha_3 = 2^0, \quad \alpha_4 = 3^0, \quad M_1 = 5936\text{кг}, \quad M_2 = 8872\text{кг}, \quad M_3 = 10648\text{кг}, \quad M_4 = 11520\text{кг}.$$

Бу қийматларга мос алгебраик тенгламалар системаси

$$\begin{bmatrix} 1 & \alpha_1 & \alpha_1^2 & \alpha_1^3 \\ 1 & \alpha_2 & \alpha_2^2 & \alpha_2^3 \\ 1 & \alpha_3 & \alpha_3^2 & \alpha_3^3 \\ 1 & \alpha_4 & \alpha_4^2 & \alpha_4^3 \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_1 \\ a_2 \\ a_3 \\ a_4 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} M_1 \\ M_2 \\ M_3 \\ M_4 \end{bmatrix} \quad (11)$$


кўринишда бўлиб, вектор тенгламадан алгебраик тенгламалар системасига ўтсак, у қуйидаги кўринишни эгаллайди:

$$\begin{cases} a_1 & = 5936 \\ a_1 + a_2 + a_3 + a_4 & = 8872 \\ a_1 + 2a_2 + 4a_3 + 8a_4 & = 10648 \\ a_1 + 3a_2 + 9a_3 + 27a_4 & = 11520 \end{cases} \quad (12)$$

Бу системани ҳам Крамер усулида, номаълумларни кетма-кет йўқотиш усулида ечсак, $a_1 = 5936$, $a_2 = 3601.34$, $a_3 = -708$, $a_4 = 42.667$ бўлиб, тебраторнинг қиялик бурчагининг ортиши билан соатига ишлаб чиқарилган маҳсулот массасини аниқлайдиган кубик функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$M(\alpha) = 42.667\alpha^3 - 708\alpha^2 + 3601.34\alpha + 5936. \quad (13)$$

(14) ифода ёрдамида вибраторнинг ихтиёрий қиялик бурчагига мос келувчи ситодан соатига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг массасини бир қийматли аниқлаш имконига эга бўламиз. Ушбу функциянинг графигини *Maple 11* дастурий пакети ёрдамида ҳосил қиламиз.



3-расм. Вибраторнинг қиялик бурчагининг ўзгаришига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот массасининг ўзгариши

Графикдан кўринадикки, тебраторнинг қиялик бурчагининг 3^0 га етиши оптимал ишлаб чиқариш режимини тақдим этади.

Инерт материалларнинг тебранувчи элак ситоси устидаги ҳаракатининг математик модели ишлаб чиқилди.


ЭХМ ёрдамида инерт материалларнинг тебранувчан ҳаракати таҳлил этилиб, кинематик параметрларнинг ўзгариш қонунлари ва графикалари қурилиб, таҳлил этилди.

“Тажриба изланишларини олиб бориш, технологик параметрларни таҳлил қилиш” деб номланган учинчи бобида Республикаимиз олимлари олдида, олис бепаён ҳудудларда барча камуникациялардан узоқда жойлашган маҳаллий мавсумий карерлардан қурилиш материалларни, кам харажатлар ҳисобига саралаб олиш вазифаси, долзарб вазифа қилиб қўйилганлиги акс этган.

Бу нафақат Республикаимиз олимлари, бутун дунё олимлари олдидаги долзарб вазифа десак ҳам адашмаймиз, технологиялар асрида замон тез олдинлаб бормоқда, бозор иқтисодиёти сиёсати 85-90% дунё мамлакатлари иқтисодиётини ўзига жалб этган.


Дунё бозорида сифатли маҳсулотлар билан қатнашиш ҳар бир корхона ва компанияларни иқтисодий ўсишига олиб келади, давлатни прогрессив технологиялар тарақиёти сари одимлашга олиб келади. Географик ўрни жихатидан ўта қуруқ, иқлим шароити ноқулай ва ўта иссиқ, аммо шўрланмаган, табиий бойликларга бой, мамлакатимизнинг 55-60% индустриясини ўз бағрига олган бепаён Қизилқум чўлида жойлашган кон ва карерларни назарда тутмоқдамиз.

Тавсия этилаётган тебранувчи элак конструкцияси қуйидагилардан иборат:




4-расм. Тебранувчи элакнинг умумий ён кўриниши.

1- юқори герметикликни таъминловчи ғилоф, 2-3 юқори ғилофни билан ўрта қутини бриктириб турувчи бурчак профеллари, 4- сито, 5- тебратаувчи қурилма, 6- киритиш дарчаси, 7- пастки конусли ғилоф, 8- сараланмаган йирик маҳсулотларни чиқариш дарчаси, 9- пружиналарни ушлаб турувчи суянчиқлар, 10- пружиналар, 11- пастки рама, 12- сараланган маҳсулотни чиқарувчи дарча, 13- қурилма таяниб турувчи оёқлар, 14- оғирликни сўндирувчи кафтлардан иборат.



**5-расм. Тебранма ҳаракат ҳосил қилувчи роторнинг йиғма чизмаси
Тебратаувчи қурилма конструкцияси қуйидагича**

5.1- Таянчли химоя қопқоқ, 5.2- подшипникларни ушлаб турувчи тиргак, 5.3- подшипник қопқоғи, 5.4- қопқоқларни бриктириб турувчи болтли брикма, 5.5- ҳаво кириш туйниги, 5.6 – ротор вали, 5,7- ҳаво кураклари, 5,8- тебратувчи дебаланс, 5.9- ғилоф, 5.10- ўрнатишга мўлжалланган асос.



6- расм. Роторнинг йиғма чизмаси.

Биз таклиф этаётган элакнинг йиғма чизмаси 5-расмда кўрсатилган, 5-расмнинг 5 кўринишида кўрсатилган тебратувчи қурилма. горизонтал текисликка нисбатан 3° қияликда ўрнатилган, 0,5МПа ҳаво босими 1494 айл/минут билан роторни айлантиради, горизонтал тебранишлар ва вертикал тебранишлар ҳосил бўлади, частота тебранишлари секундига 26,92 айл/минутни ташкил этди. марказдан қочма куч берувчи қурилманинг йиғма чизмаси 6-7 расмларда кўрсатилган, 10- пружиналар горизонтал ва вертикал тебранишларни ҳосил қилиш учун, мажбурий тебранишлар частотаси, пружинанинг хусусий тебранишлар частотасидан камида 4 марта ортиқ бўлишини талаб этади.

$$\frac{n}{nc} \geq 4 ; \quad (14)$$

Бунинг учун пружина ўрамининг эркин турган ҳолатдаги узунлигини топишимиз учун ушбу формуладан фойдаланамиз:

$$L_{H.CB} = L_{H.min} \cdot f_{max} = 3,14 \cdot 15,96 = 50,13 \text{ мм}; \quad (15)$$

Эластик пружинанинг хусусий тебранишлар частотаси, тебратавчи курилма валининг W-ҳисобланган бурчак тезлигига қараб аниқланади:

$$n_c < \frac{w}{8\pi} w = 2^{\pi n} ; \quad (16)$$

Пружинанинг тебраниш тезлигини қуйидаги формуладан топамиз.

$$v = k_{nc} \sqrt{\frac{2gh \cos \alpha}{\sin^2 \alpha}}; \quad (17)$$

Релье формуласидан фойдаланиб, пружина ўрамининг хусусий тебраниш частотасини аниқлаймиз [23. 127 б; 24. 43-168 б].

$$J = 2 \cdot \frac{\pi d^4}{32} ; q = 2 \cdot p \cdot \frac{\pi d^4}{4} ; p = k \sqrt{\frac{EJ}{Ql^4}} = k \sqrt{\frac{E}{7p} \cdot \frac{d}{D^2}}; \quad (18)$$

Пружинанинг рухсат этилган α бурчак эгилишини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз.

$$[\lambda] = \sqrt{\left(\frac{3}{16} \cdot \left[\left(\frac{id_B \cdot (i+1) + 2z_{CT} \cdot (i-2) + 2z_{CT} \cdot (i+2)}{i} \right)^2 - L^2 \right] \right)}; \quad (19)$$

Пружина биқирлигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$C = \frac{1000 \cdot d^2}{D^3 \cdot n}; \quad (20)$$

Тавсия этилаётган элак курилмасини самарали ишлашини таъминлаш учун, ички ёнув двигателлар ўрнатилган компрессорларниг сиқилган ҳаво ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаб чиқамиз m^3/min .

Компрессор қувватини ҳисоблаш формуласи

$$N_k = \frac{N_i}{\eta_M} = \frac{L_k V_{min}}{1000 \cdot 60 \cdot \eta_M}; \quad (21)$$

Компрессорнинг сиқилган ҳаво ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш формуласи m^3/min

$$V_{min} = \alpha_n \frac{\pi D^2}{4} S_n; \quad (22)$$

Тош заррасининг вертикал y ўқи бўйича баландлигини топиш формуласи:

$$2a = \left(\frac{\omega^2}{2g} \right) \sin 2\alpha; \quad (23)$$

Тош доналарининг горизонтал x ўқи бўйича ҳаракат тезлигини топиш формуласи:

$$b = \left(\frac{\omega^2}{2g}\right) \sin 2\alpha ; \quad (24)$$

Тебранишлар амплитудаси n , айл/с, қуйидаги формуладан топамиз:

$$n = \left(\frac{1}{20}\right) \cdot \frac{\sqrt{10j_0}}{A} ; \quad (25)$$

Тавсия этилаётган тебранувчи элак қурилмаси билан тажриба ўтказиш вақтида, сито тешигининг диаметри Ø5, Ø10, Ø20 мм бўлган ситолар кетма-кет ўрнатилиб маҳсулот саралаб олинди ва “NAVOIY ZAMON STANDART” лабораториясида ГОСТ 8267-93, ГОСТ 8269.0-97 талаблари асосида таҳлил қилинди.

Шағал маҳсулотининг дондорлиги қуйидаги формула орқали топилади:

$$a_{i,r} = \frac{a_{i,r}}{A_{r,\pi}} \cdot 100; \quad (26)$$

ГОСТ 8267-93, 8269.0-97 стандарти бўйича, қурилишда бетон ва асфалт аралашмаларига тўлдирувчи сифатида қўшилувчи инерт маҳсулотлар таркиби учун зарарли бўлган моддалар келтирилган жадвални, массага нисбатан % микдорда шундай тузамиз.

1- жадвал.

№	Химиявий таркиби	Номланиши	Массага нисбатан %
1	SiO ₂	Диоксид кремний	0,50 мол/л
2	SO ₃	Сулфидлар (Гипс CaSO ₄ ва бошқалар)	1,5%
3	FeS ₂	Пирит	4%
4	Cl	Хлоридлар (CaCl ₂ ва бошқалар)	15%
5	NaCl	Галит (ош тузининг кристал формаси)	0,1%
6	3MgO·2SiO ₂ ·2H ₂ O	Асбест	0,25%
7	C	Кўмир	1,0%
8	Ca ₁₀ (PO ₄) ₆ (OH,F,Cl) ₂ ; P ₄ O ₁₀	Апатит, фосфорит ва бошқалар	15%

Протодьяконов жадвалини келтириб ўтамиз ва қуйидаги формула орқали инерт материалларни мустаҳкамлик даражасини аниқлаймиз:

$$f = 0,1\sigma_c ; \quad (27)$$

Ҳар бир инерт маҳсулотининг f мустаҳкамлик коэффицент қанчалик юқори бўлса, шунчалик элак ситоси юзасининг образив бардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

«Татбиқ этилаётган тебранувчи элакнинг технологик ва иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида, қурилиш соҳаларида ишлатиладиган, такомиллаштирилган, самарали ишловчи техника воситаларининг йиллик фойдаси келтирилган. Маълумки, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган энергиянинг учдан икки қисми корхоналардан маҳсулот олиш учун сарф этилади. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва янгилиги фойдали модел патенти билан ҳимояланган тебранувчи элакнинг тебралувчи қурилмасининг янгиланган конструкцияси таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартиришидан ўзига хос тарзда унумли фойдаланилган.

Иқтисодий тежамкорлик йўли орқали, йиллик иқтисодий самарадорликни аниқлашда қуйидаги формулалардан фойдаланамиз¹.

$$IS_{\text{й}} = [(T_1 + E_n \cdot K_1) - (T_2 + E_n \cdot K_2)] \cdot Q_{\text{маҳс.ҳажми}}; \quad (28)$$

T_1 - мавжуд электр токи билан тебранувчи элакнинг технология бўйича бир бирлик маҳсулот (m^3 , тонна, кг, дона, погонметр, m^2 ва ҳоказо, бизнинг лойиҳамизда m^3 деб белгилаймиз) таннархи; T_2 – янги технология бўйича бир бирлик маҳсулот таннархи (T_1 га кўрсатилганидек); K_1, K_2 – электр токи билан тебранувчи элак ва биз таклиф этаётган сиқилган ҳаво билан тебранувчи элакнинг умумий капитал қийматидаги йиллик ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг бир бирлигик улуши; E_n - иқтисодий самарадорлик коэффицентининг меъёри, оғир саноат ва машинасозлик учун $E_n = 0,125^2$ қилиб белгиланган; $Q_{\text{маҳс.ҳажми}}$ – йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

Капитал қўйилмаларни қоплаш муддати қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{қ.м}} = \frac{K_{\text{я.у}}}{IS_{\text{й}}}; \quad (29)$$

$K_{\text{я.у}}$ - янги, сиқилган ҳаво билан ишловчи тебранувчи элак учун сарфланган жами капитал қўйилмасининг ҳажми; $IS_{\text{й}}$ - йиллик иқтисодий самара.

Капитал қўйилмаларнинг қоплаш муддати аниқлангандан сўнг, капитал сарфлар самарадорлигининг коэффиценти аниқланиб, амалга оширилаётган лойиҳа тўғрисида тегишли хулоса чиқарамиз.

$$E = \frac{1}{K_{\text{қ.м}}} = \frac{IS_{\text{й}}}{K_{\text{я.у}}}; \quad (30)$$

Агар E коэффицент E_n дан катта бўлса, лойиҳа ҳақида ижобий хулоса қилинади. Юқорида такидлаганимиздек, машинасозлик корхоналари учун самарадорлик коэффиценти $E_x = 0,125$; $E > E_x$ га тенг бўлиши керак.

Лойиҳамиз иқтисодий самарадорлигини аниқлашимиз учун (4.1) формуладаги T_1 ва T_2 қийматларни ҳисоблаймиз. Буни ҳисоблашда $1m^3$ тайёр инерт маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қиёсий таннархидан фойдаланамиз.

Маҳсулот таннархига қуйидагилар киради

1) Хом ашё ва моддий ҳаражатлар. 2) Иш ҳақи ҳаражатлари. 3) Ягона ижтимоий солиқ. 5) Амортизация ҳаражатлари. 6) Бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар.

Мавжуд ускунадаги иш ҳақи фонди:

$5\ 1\ 670$ минг сўм + $0,25\ 3\ 428$ минг сўм = $8\ 350$ минг сўм + 857 минг сўм = $9\ 207$ минг сўм;

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги асосий натижалар ва хулосалар олинган:

1. Модернизацияланган оптимал тебратувчи қурилма роторининг айланишлар частотаси, сито юзасида сараланаётган маҳсулотларнинг m массасига боғлиқлик даражаси аниқланган. Бу вибрацион элак роторларининг айланишлар частотасини ҳисблаш учун хизмат қилади.

2. Вақт бирлиги ичида элакка таъсир этувчи F кучнинг гармоник тебранишлар ҳосил қилишининг графиклари ишлаб чиқилган. Бу гармоник тебранишлар ҳосил қилиш учун керак бўладиган куч катталикларини аниқлаш учун хизмат қилади.

3. Тебранишлар амплитудаси ва частоталар сонини таҳлил қилиш асосида таянчли шарикли подшипникларнинг нуқтали ишқаланиш кучига нисбатан конусли роликли подшипникларнинг чизикли ишқаланиш кучлари орасидаги фарқ аниқланган. Бу ишқаланиш кучларининг оптимал қийматларини аниқлаш учун хизмат қилади.

4. Мажбурий тебранишлар частотаси пружинанинг хусусий тебранишлар частотасидан камида 4 марта ортиқ бўлса $\frac{n}{nc} \geq 4$ самарали сараланиш жараёни олиб борилиши аниқланган. Бу инерт материалларини саралашда тебранишлар частотасини оптималлаш имконини беради.

5. Ф.Х. Моос шкаласи бўйича 5,6,7,8, қаторда турувчи минерал тошлар қаттиқлиги автомобил йўлларининг узоқ муддат хизмат қилишига олиб келиши аниқланган. Бу автомобил йўлларини лойиҳалашда йўлнинг хизмат муддатини ошириш учун хизмат қилади.

6. Энергия ва ресурстежамкор, мобил, соддалаштирилган элак конструкцияси ишлаб чиқилган. Бу олис ҳудудларда жойлашган, табиий иқлим шароити ноқулай бўлган чўл ҳудудларидаги маҳаллий мавсумий карерлардан фойдаланиш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019. Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ТОИРОВ МУРТОЗА ШАВКИДИНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЙ
КОНСТРУКЦИИ ВИБРОГРОХОЧЕНИЯ ИНЕРТНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

05.02.02—Теория механизмов и машин. Машиноведение и детали машин.

05.09.02—Основания, фундамент и подземные сооружения. Мост и транспортные тоннели. Дороги, метрополитены.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/T1867.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:

Мардонов Бахтиёр Тешаевич
доктор технических наук.

Аскарходжаев Тулкун Ишанович
доктор технических наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Иргашев Амиркул Иргашевич
доктор технических наук, профессор

Ахмедов Азамат Хаитович
доктор технических наук по философии, (PhD)

Ведущая организация:

Ферганский политехнические институт

Защита диссертации состоится «06» ноября 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета № DSc.03/30.12.2019.T.03.04 по присвоению научной степени при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./факс: (99871) 246-46-00/ 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Ознакомиться с диссертацией можно в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирован за №223). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 246-46-00.)

Автореферат диссертации разослан «19» октября 2021 года.

(протокол реестра №129 от «19» октября 2021 года).

К.А.Каримов
Председатель разового Научного совета по
присвоению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Н.Д.Тураходжаев
Ученый секретарь разового Научного совета по
присвоению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

А.А.Мухитдинов
Председатель Научного семинара при
разовом Научном совете по присвоению ученых
степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире для повышения эффективности вибростата проведен широкое научно-техническое исследование в области дорожного строительства, это является одним из приоритетных работ в мире. По всему миру надо переходить от конструкции вертикальных вибрирующих вибростатов к конструкции горизонтальных вибрирующих вибростатов, для этого требуется новое внедрение, внедренные новые конструкции должны сортировать инертных материалов другим источникам энергии например сжатием воздуха. Сортировка инертных материалов сжатым воздухом дешевле для предприятия, а также сжатие воздуха обеспечивает долговечности и продленности срок службы детали вибростата.

Во всем мире ведутся исследования по созданию конструкции вибростата, которая отбирает инертные материалы без электричества. В связи с этим особое внимание, уделяется созданию эффективных конструкций вибростатов для сортировки инертных материалов, повышению приоритетности вибростата, повышению точности функциональных функций машин и механизмов, обеспечивает качества сортированных инертных материалов.

В Республике ведется исследование по обеспечению повышения эффективности производства вибрационных сит для сортировки инертных материалов, а также повышение их износостойкости и продление срок службы за счет термической обработки детали вибростата, совершенствование технологии термической обработки вибростата, снижает материалоемкости и энергоемкости при сортировке инертных материалов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит важные задачи, в том числе «... разработку принципиально новых продуктов и технологий ...». При выполнении этих задач важно что, разработать конструкцию горизонтальных вибростатов вибрирующих на основе сжатого воздуха, усовершенствовать методы и технологии для проведения термической обработки на основных детали ресурса и энергосберегающих горизонтальных вибростатов.

Президент Республики Узбекистан 7 июля 2017 г. № ПП-3117 «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы сельскохозяйственного машиностроения», 2018 г. № ПҚ-3459 от 4 января «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению уровня технической оснащенности сельского хозяйства» и № ПҚ-3712 от 10 мая 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов своевременного обеспечения сельского хозяйства сельхозтехникой» от 27 апреля 2018 г. Данная диссертация в определенной степени служит реализации решений Постановления № ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» и задач, поставленных в других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Это исследование является частью II. Реализуется по приоритетному направлению «Энергетика, энергоресурсосбережения».

Степень изучения проблемы. Ученые по всего мира провели и проводят ряд исследований по изучению вибрации для сортировки инертных материалов, вели изменение на конструкции вибростанов работающих на новых принципах работы, а также разработали оптимальные методы расчета динамического движения вибрации, открыв необходимые законы движения вибрации и контроля параметров, изучили и проводили научные исследования по энергосбережению и по ресурсосбережению вибрирующих устройств, но эти научные исследования не были достатками для создания новых вибростанов.

